

АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

- Савдоларнинг умумий ҳажми 806,74 млрд сўми (62,40 млн доллар) ташкил этиб, 2024 йилнинг март ойига нисбатан 736,48 млрд сўмга ёки 10 баробарга ўсди.
- Шу билан бирга, 256,38 млрд сўм (19,82 млн доллар) ёки битимлар ҳажмининг 31,78 фоизи биржа котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозлар билан тузилган битимларга тўғри келди. Савдо ҳажмининг қолган қисми листингдан ташқари савдо майдончаси (ЛТСМ) битимларга тўғри келди.
- Биржа савдо майдончаларидаги битимларнинг умумий сони 37 786 тани ташкил этиб, бу ўтган йилнинг март ойига нисбатан 4 634 тага ёки 10,92% га кам. Бунда, 30 926 та битим Биржанинг биржа котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозлар билан, 6 860 та битим эса листингдан ташқари савдо майдончасида амалга оширилган.
- Ўртача кунлик савдолар ҳажми 44,82 млрд сўми (3,46 млн доллар), ўртача кунлик битимлар сони эса 2 099 тани ташкил этди.
- Ой якунларига кўра, UCI индекси 0,4 фоизга ўсиб, 652,93 пунктни ташкил этди.

БОЗОР ШАРҲИ

АКЦИЯ БОЗОРИ

Акциялар бозорида савдолар ҳажми 49,04 млрд сўми (3,80 млн доллар) ташкил этди. 2024 йилнинг март ойига нисбатан савдолар ҳажми 11,20 млрд сўмга ёки 18,59% га камайган. Шу ўринда, савдоларнинг асосий ҳажми (42,81 млрд сўм) Neco Board платформасига тўғри келди.

Ўртача кунлик савдолар ҳажми 2,72 млрд сўми (211 минг доллар), ўртача кунлик битимлар сони эса 1 702 тани ташкил этди.

Ой якунига кўра, акциялар бозорининг капиталлашуви 924,25 млрд сўмга ёки 0,38 фоизга ўсиб, 242,29 трлн сўми (18,76 млрд доллар) ташкил этди, эркин муомалада бўлган (free float) акцияларнинг бозор капиталлашуви эса 4,07 трлн сўми ташкил этди.


Ой охирида Биржанинг биржа котировкалаш варағида 94 та эмитентнинг акциялари мавжуд эди.

Акциялар бозорининг асосий кўрсаткичлари

		3/2021	3/2022	3/2023	3/2024	3/2025
Савдо ҳажми	млн сўм	68 823	24 164	90 923	60 233	49 036
Ўртача кунлик савдо ҳажми	млн сўм	3 128	1 272	4 330	3 346	2 724
Битта битимнинг ўртача ҳажми	млн сўм	16,4	4,2	5,5	1,6	1,6
Битимлар сони	дона	4 206	5 801	16 473	38 680	30 633
Ўртача кунлик битимлар сони	дона	191	305	784	2 149	1 702

UCI ИНДЕКСИ

UCI индекси ой давомида 0,4 фоизга ошиб, 652,93 пункт даражасида ёпилди.



ОБЛИГАЦИЯЛАР БОЗОРИ

Корпоратив облигациялар бозоридаги савдолар ҳажми 207,34 млрд сўмни (16,03 млн доллар) ташкил этиб, 2024 - йилнинг март ойига нисбатан 206,24 млрд сўмга ёки 187 баробарга ошди.

Ўртача кунлик савдо ҳажми 11,52 млрд сўмни, ўртача кунлик битимлар сони 16 тани ташкил этди.

Ой якунига кўра, биржа котировкалаш варағига киритилган облигацияларнинг бозор қиймати 1,5 трлн сўмни (116,43 млн доллар) ташкил этди.

Облигациялар бозорининг асосий кўрсаткичлари

		3/2021	3/2022	3/2023	3/2024	3/2025
Савдо ҳажми	млн сўм	3	127	565	1 108	207 345
Ўртача кунлик савдо ҳажми	млн сўм	0,1	7	27	62	11 519
Битта битимнинг ўртача ҳажми	млн сўм	3	42	47	10	708
Битимлар сони	дона	1	3	12	111	293
Ўртача кунлик битимлар сони	дона	0	0	1	6	16

ЛИСТИНГ

Ой охирида биржа котировкалаш варағида 102 та эмитентнинг 153 та инструментлари мавжуд эди. Март ойи давомида биржа котировкалаш варағига 5 та эмитентнинг 5 та инструменти киритилди: 1 та оддий акциялар ва 4 та облигациялар эмиссияси.



ЛИСТИНГДАН ТАШҚАРИ САВДО МАЙДОНИ

Ой якунига кўра, Биржанинг листингдан ташқари савдо майдончасида 6 860 та битим тузилди, бу ўтган йилнинг март ойига нисбатан 89,24% га кўпдир.

Умумий савдо ҳажм 550,36 млрд сўми (42,58 млн доллар) ташкил этиб, ўтган йилнинг март ойига нисбатан 61,73 баробарга ошган.

98 та эмитентнинг қимматли қоғозлари битимлар объекти бўлди.